НОШИРЛЮКС МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 11-fevral, seshanba, 18 (23.298)-son

Кун ҳикмати

Фарзандни фойдали иш билан банд қилиш уни назорат қилишдан самаралироқдир

Сайёр қабул

Пастдарғомликларни нима қийнаяпти?

Вилоят ҳокимининг навбатдаги сайёр қабули Паст Дарғом туманида ташкил этилди. Гўзалкент қўрғонида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган қабулда 370 дан зиёд мурожаатлар рўйхатга олинди.

АҲОЛИ ҚАЕРДАН СУВ ИЧАДИ?

Сайёр қабул давомида ичимлик суви масаласида 20 га яқин мурожаат рўйхатга олинди.

Шу ўринда маълумот учун айтиш мумкинки, туман аҳолисининг 53 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Демакки, бошқа ҳудудлар, сувни ташиб келтиради ёки белгиланган вақтда келтириладиган сувни сотиб олади. Табиийки, бу шароит ҳамма оилаларни ҳам қаноатлантирмайди.

- Шу боис вилоят ҳокими, марказлашган сув таъминоти йўқ жойларни атрофлича ўрганиш топшириғини берди, - дейди вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонаси раҳбари Комил Юсупов. - Қаерда нимани қуриш керак, қанча тармоқ тортиш зарур, барчаси бўйича батафсил маълумот қиламиз. Шундан кейин ҳудуддаги мавжуд шароит ва имкониятдан келиб чиқиб, аҳоли билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар келишиб олинади. Ўз навбатида, вилоят маҳаллий бюджетидан зарур миқдорда маблағ ажратилади.

Қайд этиш лозимки, туман ҳокимлиги томонидан айни пайтда ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун қудуқ қазувчи техникалар харид қилиш чоралари кўрилмоқда.

ИШСИЗЛИК - ЭНГ КАТТА МУАММО

Сайёр қабулни кузатарканмиз, аксарият мурожаатлар иқтисодий шароитим ночор, деб бошланаётганига гувоҳ бўлдик. Аммо Паст Дарғом туманининг айнан Гўзалкент ҳудудида кўпчилик аҳолининг 30-40 сотих шахсий томорқа ери бор.

Шундай шароитда яшаётган одам кам таъминланган ёки рўзғори тўкис бўлмаслиги мумкинми? Йўқ, албатта. Башарти шундай бўлаётган экан, одамларнинг ердан унумли фойдаланишлари бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ эмасми? Қолаверса, молиявий ёрдам чоралари – банк кредитлари, турли грант маблағларини йўналтириш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

- Одамлар бандлигини таъминлаш учун кўпроқ ишчи ўрни яратилиши керак, - дейди вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи Аслиддин Усмонов. - Янги лойиҳаларни, тадбиркорликни кўпайтириш керак. Шунда ҳудудда аҳоли бандлиги яхшиланади. Одамлар ишли бўлса, бу ўз навбатида бошқа масалалар ечими тезлашишида муҳим омил бўлади.

ҲОКИМЛАР УЙ-ЖОЙ УЧУН ЕР БЕРМАЙДИ

Ушбу масала ҳар бир сайёр қабулда кўтарилади. Одатда, мурожаатчилар бир ҳовлида 3-4 оила яшаётганини билдириб, уй-жой учун ер сўрашади.

- Уй-жой учун ҳозир ер беришга ҳокимнинг ваколати йўқ. Ер фақат аукцион орқали сотилади.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов бу гапни ҳар бир сайёр қабулда айтади. Паст Дарғом туманида ўтказилган сайёр қабулда ҳам шундай ҳолат кузатилди. Демак, аҳоли ўртасида бу борада тарғиботни кучайтириш керак.

- Уй-жой учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар бош режа тайёрланиб, аукцион асосида сотилади, - дейди вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Содиқжон Ҳакимов. - Афсуски, аксарият туманларимизда бундай жойнинг ўзи йўқ.

Тўғри, Қўшработ, Ургут ва Нурободда шундай жойларни режага киритиш мумкин. Аммо ушбу ҳудудлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари коммуникация тизимлари – йўл, электр, табиий газ тармоқлари ва бошқалардан узоқда жойлашгани боис, ушбу соҳада муаммоларга сабаб бўлади.

АСОСЛИ МУРОЖААТ АЛБАТТА, ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокимининг Паст Дарғом туманидаги бу галги сайёр қабули ҳисоб бўйича учинчиси бўлди. Айтиш мумкинки, олдинги қабулларда 600 та атрофида мурожаатлар рўйхатга олинган бўлса, бугунги қабулда қарийб ярмига камайди. Нега?

Қабул давомида одамлар, раҳбарлар аввало ишни қандай ташкил қилиш кераклигини, шахсий масъулиятни ўрганмоқда. Ва энг муҳими, аҳоли кимга ва нега мурожаат қилиш кераклигини англаяпти.

Мисол учун, сайёр қабулда баъзи тадбиркорлар чорвачилик билан шуғулланиш учун ер сўраб келди. Улар хориждан наслли чорва олиб келган ёки олиб келмоқчи эканлигини эшитган вилоят ҳокими фаолиятини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўз навбатида вилоят молия бош бошқармаси бошлиғига чорвачилик билан шуғулланаман, бу борадаги фаолиятини кенгайтираман, деганларни тўлиқ назоратга олишни, уларга зарур ёрдам кўрсатишни топширди.

Ё.ГАДОЕВ.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...

9 февраль куни Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғи эрта тонгдан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, олий таълим, ўрта махсус ва халқ таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчилари билан гавжум бўлди. Боғдаги Алишер Навоий ҳайкали пойида мутафаккир таваллудининг 579 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар буюк бобокалонимизнинг ҳаёти, бой ижодий мероси ва унинг бугунги кундаги қадр-қиммати, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти хусусида фикр юритди. Ҳазрат Навоий асарлари дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросига айлангани қайд этилди.

Вилоят мусиқали драма театри актёрлари саҳна кўриниши орқали тадбирга кўтаринкилик бағишлади.

Аммо...

Шеърият мулкининг султони, буюк мутафаккир таваллуд топган кунга бағишлаб ўтказилган бу йилги тадбир уюшқоқлик билан ўтди, дея олмаймиз.

Биринчидан, айрим раҳбарлар Алишер Навоий таваллуд кунига бағишланган маросимга келишни унутиб қўйишди шекилли. Тўғри, шу куни - якшанба, дам олиш куни эди. Аммо пойтахтимизда, ҳатто хорижий мамлакатларда буюк мутафаккирга эҳтиром кўрсатилаётган бир пайтда айрим масъулларнинг виждони уйғониб, ҳазрат Навоий хотирасини ёд этса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Иккинчидан, вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган "Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари – Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигини ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар режаси"га асосан Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларини олиб бориш муддати 2020 йилнинг 9 февралигача деб белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да боғда кўкаламзорлаштириш ишлари охирига етказилмаган.

Яна бир гап. Ўша куни тадбир бошлангунча ва ундан кейин овоз кучайтирувчи ускуналардан Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар янграб турганида мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буюк шоир номи билан аталувчи истироҳат боғида бу каби куй-қўшиқ ёки ғазал ва рубоийлар фақат ушбу санада эмас, йил бўйи янграб турса, бу боғда сайр қилаётган ҳар бир кишининг мароқли ҳордиқ чиқаришига, қолаверса, буюк бобомиз ижодидан баҳраманд бўлишига хизмат қиларди. Айнан шу мавзу бўйича газетамизда аввал ҳам ёзган эдик.

Шу ўринда севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айри ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир...

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 4 февралдаги 12-сон баёни билан қўшни давлатлар (Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон)даги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ўқишини республикамиз олий таълим муассасаларига кўчириш бўйича ариза қабул қилишга рухсат берилди.

"Ўқишимни Душанбедан Самарқандга кўчирдим"

Вилоятимиздаги олий ўқув юртларига ўқишини кўчириш истагида бўлган талаба-ёшларнинг аризаларни қабул қилувчи ҳудудий ишчи гуруҳи Самарқанд давлат чет тиллар институтида фаолият олиб бормоқда.

- Ишчи гуруҳимиз шу йилнинг 7 февраль куни ўз фаолиятини бошлади, - дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассиси, ишчи гуруҳ аъзоси Ғулом Ҳакимов. - 11 февралга қадар қўшни давлатларда ўқиётган 422 нафар талабанинг ҳужжатлари қабул қилинди. Шу вилоятда яшайдиган ёшларнинг ҳужжатлари Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртларига мос ёки турдош йўналишлар бўйича қабул қилинмоқда. Агар йўналиши умуман тўғри келмайдиган бўлса бошқа вилоятлар ёки Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларига йўналтирилмоқда.

- Ўзбекистон ёшлари учун яратилган бу қулайликлар бизни ва ота-оналаримизни жудаям хурсанд қилди, - дейди талаба-ёшлардан бири Шоҳжаҳон Ҳидиров. – Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳридаги Садриддин Айний номли педагогика институтида иқтисодиёт йўналиши бўйича таълим олаётган эдим. Ўқишни кўчириш имкониятини эшитиб, ўзим туғилиб ўсган Самарқандга келдим. Бу ерда менинг йўналишимга мос 4 олий ўқув юртидан бирида ўқишимни давом эттиришим мумкинлигини билиб янаям мамнун бўлдим. Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филлиалининг рақамли иқтисодиёт йўналишини танладим. Кечки бўлимда ўқишимни давом эттириш имконияти кундузи ишлашим ёки қўшимча тўгаракларда қатнашишим учун яна бир қулайликдир.

Ўқишни кўчириш жараёнлари 15 февралгача давом этиши белгиланган.

Т.НАРЗУЛЛАЕВ.

2020 МУРОЖААТНОМА

Пенсия тўлашнинг мукаммал тизими жорий этилади. Фуқаролар пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан мурожаат қилиши кифоя бўлади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан шу йил 27-29 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтади.

"Маҳсулот ишлаб чиқариш тадбиркорлиги учун катта имконият" шиори остида ташкил этиладиган мазкур ярмаркада:

- *B2B музокаралар;*
- *келишувлар;*
- *шартномалар;*
- *тренинглар;*
- *тақдимотлар;*
- *start-ирлар ташкил этилади.*

Ярмаркада фаол иштирок этинг ва янги маҳсулотлар билан танишинг, ўзингизга янги ҳамкорлар танланг!

Манзил: Самарқанд шаҳри, Даҳбед кўчаси, 18-уй. Самарқанд педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи спорт мажмуаси.

Мурожаат учун электрон манзиллар -
web-sayt: sn.chamber.uz,
telegram: t.me/snchamber,
facebook: com/SSP.SAMARQAND

ТАЙИНЛОВ

ИХТИЁРОВ Мирзо Рустамович - Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси директори.

Табиат синови қимматга тушди

Ўтган якшанба куни содир бўлган кучли шамол Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчасида жойлашган 159-А уйнинг том қисмини учириб юборди. 70 га яқин оила истиқомат қилувчи мазкур кўп қаватли уйнинг бир қисми (собиқ Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг ётоқхонаси) ни таъмирлаш Паст Дарғом туманидаги «Темур Малик строй» МЧЖнинг 200 нафарга яқин қурувчилари томонидан амалга оширилаётган эди...

- Иморат том қисмини янгилаш ишлари январь ойида бошланган эди, - дейди қурилиш корхонаси раҳбари Феруз Зокиров. – Собиқ ётоқхона том қисмида ишларни якунлаб, кўп қаватли уйнинг томини ҳам ёпиб бўлаёзган эдик. Фақат томнинг ғарб томонга қараган энг чекка бир қисмида эски шиферлар тахланиб турганлиги сабабли шу жойни ёпишга улгурмагандик. Тўсатдан кўтарилган кучли шамол ёпқичларни кўтариб ерга улоқтириб ташлади.

Табиий офат қурувчилар учун тахминан 100 миллион сўм зиён келтирди. Айни пайтда қурувчилар шамол учириб кетган 2000 квадрат метр майдонни қайтадан ёпмоқда. Том ёпиш ишлари уч кун ичида якунланади.

Кучли шамол оқибатида электр энергияси таъминотида ҳам узилишлар бўлди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги юқори кучланишли тармоқнинг тўртта симёғочи қулади.

- Ўша пайтда Самарқанд шаҳри аҳолисининг учдан бир қисми яшайдиган маҳаллалар электрсиз қолди, - дейди "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти Самарқанд шаҳар электр тармоқлари бўлими бошлиғи Комилжон Оқилов. - Афросиёб-Шердор йўналишидаги 35 киловольтли юқори кучланишли кабеллар ортиқча юклама туфайли ишдан чиққанлиги сабабли 6 та маҳаллада, 35 та трансформатор пунктида узилиш содир бўлди. Кимёгарлар шаҳарчаси, 29-даҳа, Матонат маҳалласи ҳамда Бедил кўчасида дарахт қулаши натижасида электр симларига зарар етди. Навбатчи бўлинмаларимиз 9 февраль куни кечгача барча камчиликларни бартараф этди.

Шу куни Булунғур, Тойлоқ ҳамда Каттақўрғон туманларида қулаган ўнлаб симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Ургут туманида электр тармоқларини таъмирлаш ишлари кеча ҳам давом эттирилди. Туманда зарар етган ўнлаб километр узунликдаги юқори ва паст кучланишли электр тармоқлари ва 20 га яқин трансформатор пунктлари реконструкция қилиниб, ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

ЯПОНИЯДА ПЕНСИОНЕРЛАР НЕГА УЙИДА ЎТИРМАЙДИ?

Суд собиқ “ГАИ” ходимини оқлади

Ботир Ҳамидов 2002 йил август ойидан ички ишлар тизимида ишлаб, 2006 йил июль ойидан Самарқанд вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 1-отряд йўл-патрул хизмати инспектори вазифасида фаолият кўрсатган.

У 2010 йил ноябрь ойи ўрталарида ҳамкасби билан бирга хизмат олиб бориш жараёнида қоидабузар ҳайдовчидан 60 минг сўм пора олганлиги учун 2011 йил 4 март куни қамоққа олиниб, жиноят ишлари бўйича вилоят судининг 2011 йил 22 июндаги ҳукми билан 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 29 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 7 декабрдаги ажримига асосан, вилоят судининг 2011 йил 22 июндаги ҳукми ва Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 29 июлдаги ажрими ўзгартирилиб, Б.Ҳамидовнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми “б” бандидан шу модданинг 2-қисми “в, г” бандларига қайта квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори 7-бандининг “а” кичик бандига асосан Б.Ҳамидовга тайинланган жазо учдан бир қисмига қисқартирилган.

Ботир Ҳамидов ҳозирда бошқа соҳада меҳнат қилмоқда. Аммо ўзига нисбатан бўлган адолатсизлик туфайли суд ва бошқа идораларга мурожаат қилиб, ҳақиқатнинг қарор топиши учун ёрдам сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 31 октябрдаги қарорига асосан вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 29 июлдаги ажрими ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 7 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, янгитдан кўриш учун юборилди.

Мазкур иш жорий йилнинг 7 январь куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судланувчи Б.Ҳамидов келтирилган апелляция шикоятида, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди ишни бир томонлама олиб борганлиги, ҳаракатларида пора олиш жиноят таркиби йўқлиги, иш ҳужжатларида унинг айбни тасдиқловчи далиллар етарли эмаслиги сабабли, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Ўз навбатида судлов ҳайъати ҳам мазкур иш билан боғлиқ барча ҳолатларни батафсил кўриб чиқди. Натижада иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмаганлиги аниқланди.

Хусусан, Б.Ҳамидов 2010 йил ноябрь ойида юз берган ҳолат учун фуқаронинг кўрсатмаси билан 2011 йил 4 март куни қамоққа олинган.

“Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ҳақида”ги қўшма кўрсатманинг 8.1 бандида “...Шуни назарда тутиш лозимки, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг аризаси ҳар бир ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 95-моддаларига асосан синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиши, аризачининг кўрсатмаларидан ташқари бошқа объектив далиллар аниқланмаганида жиноят иши қўзғатилишига, шахс қамоққа олинишига, жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмасин” деб белгилаб қўйилган. Шу кўрсатманинг 8.2 бандида эса “...Шахсга айб эълон қилишга фақат объектив далиллар мажмуигина асос бўлиши мумкинлиги, бунда, далиллар доирасини пора берувчи ва у билан боғлиқ шахсларнинг кўрсатмалари ҳамда айбига иқрорлик кўрсатмалари билан чегаралаб қўймасдан, шахсни айблаш учун пора предметининг олиниши, қонунлар билан белгиланган тартибда почта-телеграф ва электрон жўнатмалари, аудио ёки видеоёзувлар, телефон ва бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар аниқланиши каби аниқ мезонлар билан асослантириш шарт (жиноят устида ушлаш ҳолатлари бундан мустасно)”лиги қайд этилган.

Шу ва бошқа омиллар сабабли айблов фақатгина тахминларга ва кўрсатувларга асосланган деб ҳисобланди.

Судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича вилоят судининг 2011 йил 22 июндаги ҳукмининг Ботир Ҳамидовга оид қисмини бекор қилиб, уни айбсиз деб топди ва оқлади.

Ў.МАМАДАЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси ўринбосари.

Тоза ва озода жойга фаришталар қўнади

Самарқанд шаҳрида чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар хусусида

Шу йилнинг 13 январь куни вилоят ҳокимлигида Самарқанд шаҳрида чиқиндиларни вақтида чиқариш, ободончиликни таъминлаш, бу борада кўрсатилаётган хизматлардан юзага келаётган қарздорликлар, уларнинг келиб чиқиши ва ундирилиши таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда вилоят ҳокими бу ишларга масъул «Мароқанд обод» ва «Тоза ҳудуд» ДУКлар раҳбар ва мутахассислари олдига қилиниши зарур бўлган аниқ топшириқларни белгилаб берди. Хўш, ушбу вазифалар юзасидан «Мароқанд обод» давлат унитар корхонаси қандай тадбирлар белгилади, муаммоларни бартараф этиш бўйича қандай ишларни амалга оширмоқда?

- Самарқандда чиқинди муаммосини ҳал қилишга бўлган эътибор Президентимизнинг 2017 йил 19 июлдаги «Франциянинг тараққиёт агентлиги иштирокида «Самарқанд шаҳридаги қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизациялаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда вилоят ҳокимлигининг доимо қўллаб-қувватлаб турганлиги натижасидир, - **дейди «Мароқанд обод» давлат унитар корхонаси раҳбари Исломбек Боқижонов.** – Франция ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро келишув шартномасига мувофиқ 37 миллион 100 минг евро миқдорида йигирма беш йил муддатга кредит ажратилган. Бу лойиҳа республикамизда ягона ҳисобланиб, ҳали чиқиндини модернизация қилиш бўйича бошқа бирор жойда бундай амалиёт қўлланилган эмас.

Ишимиз ҳам шунга яраша бўляпти. 2018 йилда корхона ҳисоб рақамига 5 миллиард 300 миллион сўмдан кўпроқ пул туширилди. 2019 йилда бу рақам 10 миллиард 800 миллион сўмдан ошди. Барча маҳаллалар хизматимиз бўйича тўла қамраб олинди. Айни пайтда корхонамизда 350 дан зиёд ишчи-хизматчи (олдин 120 нафар) фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик натижасида ўтган йилнинг ўзида чиқиндиларни ташиш бўйича Франция гранти асосида Хитойда ишлаб чиқарилган «NOWO» ва «Dongfeng» русумли 80 та замонавий махсус автомашина олинди.

Ҳокимлик корхонага хизмат кўрсатаётган автоуловларнинг ҳар бирини GPS тизимига ўтказиш, хизмат кўрсатилаётган ҳар бир кўчанинг электрон тизимини шакллантириш вазифасини қўйган. Нега деганда автоулов қаерга кетди, қайси кўчага кирди, қанча тезликда ҳаракатланяпти, ҳаммаси марказлашган тизимда акс этиб туради. - Бунинг натижасида барча техника ва кўчалар назоратда бўлиб, чиқинди қолиб кетиш ҳолларига барҳам берилади.

- Йиғилишда берилган топшириқдан кейин бугунги кунгача 38 та маҳалла тизимга уланди ва бу тизим ҳар бир маҳалла нуқтасида йўлга қўйилмоқда, - дея сўзини давом эттиради И.Боқижонов. – Вазифалардан яна бири чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетишдан иборат. Яъни, ҳозирги мавжуд техникаларимиз махсус қутиларга мослашгани ҳисобга олиниб, шаҳар ҳудудида шундай мосламаларни жойлаштирилиши зарурлиги уқтирилди.

Газетамизда бундан олдин берган маълумотларимизда бу ҳақда қисман гапирган эдик. Сабаби, унинг кўлами кам эди. Вилоят ҳокимининг топшириғидан кейин анча ўзгариш юз берганлигини эътироф этиш лозим. Унитар корхонадан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда шаҳарнинг шоҳ кўчаларида ихчам чиқинди қутилари, ўша қутиларни ўз ичига олган ёғоч айвончалар кўзга ташланмоқда. **Корхона ҳисобидан айни пайтда 128 жойда шундай қутилар ўрнатилган. 77 та ширкатга ва бошқа ҳудудларга яна 200 та чиқиндихоналар жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.** Бу қутилар махсус автоуловларнинг олиб кетиши учун қулай бўлиб жаҳон андазаларига мос келади ҳамда теварак-атрофни ифлослантирмайди.

Сир эмас, халқ орасида чиқиндиларни кўча устига, лотоклар ичига ёки симёғочлар остига ташлаб кетувчилар учрайди. Бу тизим йўлга қўйилаётгани боис шундай салбий ҳолатлар 90 фоизга қисқарганлиги қайд этилмоқда.

- Шаҳримиз ҳудудида 6,5 мингдан зиёд тадбиркор бор. Уларнинг деярли ярми чиқинди ташиб кетиш бўйича корхонамиз билан шартнома тузган, - дейди Исломбек Боқижонов. – Қолган тадбиркорлар ўз билганларича иш тутяпти, яъни жорий этилаётган янгиликни ҳазм қилолмаяпти ва чиқиндиларини истаган жойга ташлаб кетишяпти. **Бир куб метр чиқинди учун тўлов 43 минг сўмлигини назарда тутадиган бўлсак, бу албатта ҳар қандай ташкилот учун оғирлик қилиши мумкин. Агарда 3,5 минг тадбиркор ҳам биз билан шартнома тузганида бу тариф анча арзонлашарди.** Ҳозирча шартнома тузишдан бош тортиб юрган тадбиркорлар қонун-қоидани, ўзини ҳурмат қиладиган, қолаверса шаҳрини севадиган ҳамкасблари ҳисобидан «яшаётганликларини» билишмайди. Қачондир улар инсофга келишларига умид қилишдан бошқа чорамиз йўқ.

И.Боқижонов шартнома тузиш билан боғлиқ бир гапни айтиб қолди. Электрдан қарз бўлса свет ўчади, сувдан қарздорлик учун узиб кетилади, газдан қарздорлик учун кесилади. Лекин чиқиндидан қарздорларни-чи? Ҳеч нарса қилолмаймиз. Газ, сув ва электрсиз бир-икки кун бир амаллаб яшаса бўлади. Аммо чиқинди бир уйда ёки ҳовлида тўпланиб қолса-чи? Уни кўчага чиқариб ташлай олмайсиз - жаримаси бор, қўшниникига оборолмайсиз – уят. Чиқинди бир-икки ҳафта олинмай қолса унга ботасиз-қоласиз.

Энди хоҳлаймизми-йўқми, чиқинди ташиш бўйича шартнома тузмаган, тўловини ўз вақтида амалга оширмаган ҳар қандай юридик ташкилотларга корхонамиз хизмат кўрсатмайди, яъни чиқиндилари олинмайди.

Аҳолининг чиқинди учун тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, яъни пул йиғиб олиш имконияти бўлмаганлиги оқибатида истеъмолчиларнинг корхона олдидаги қарзи 7,5 млрд. сўмга етди. Ўтган йилнинг 1 январидан пул йиғими Мажбурий ижро бюросига ўтказилган. Тўловлар, умуман коммунал хизматдаги барча тўловлар доимо қийинчилик туғдириб келган.

Чиқинди ҳам бундан мустасно эмас. Бу соҳани тўлиқ қамраб олиш, чиқиндиларни юз фоиз қайта ишлаш ёки масаланинг ечимини топиш учун аҳолининг ҳам, юридик ташкилотларнинг ҳам тўлов қобилияти яхши бўлиши керак. Пулни йиғиш масаласига келганда эса кўпгина илғор тажрибалардан фойдаланиш зарурга ўхшайди.

Масалан, бир қатор хорижий давлатларда чиқинди учун тўлов сув истеъмолига қараб олинади. Айрим давлатларда чиқинди тўлови электр сарфига боғлаб қўйилган. Бошқасида ҳам чиқинди учун якка тартибдаги тўловлар йўқ. Умуман барча тўловлар иш ҳақига бориб тақалади. Бу жуда қулай усул, дейишмокда соҳа мутахассислари. Масалан, ўзимизда йўл солиғи ёнилғига ўтказилган.

Айрим ривожланган мамлакатларда битта сигарет қолдиғи ерга ташланса, 50 евро жарима қўлланилади. Белгиланмаган жойга чиқинди ташланса, 100 доллар жарима тўласа, аҳоли ўша жаримани бир-икки марта тўласа, чўнтагига зарар бўлгач, бу ишни такрорламайди.

- Мен ўзим Японияда бўлганман. У ерда пенсионерлар уйида ўтирмайди, - дейди раҳбар. – Ҳеч бўлмаганда кўчага чиқиб светофор олдида икки соат туриб мактаб ўқувчиларини кўчадан ўтказиб қўяди. Ёки бир гуруҳ фахриллар маълум жойни ободонлаштириш, тозалаш юмушлари билан мунтазам шуғулланиб вақт ўтказишади.

Чиқиндига бўлган муносабатни, тартибни айтмаса ҳам бўлади. Ҳатто вазир овқатлангач, қолган қолдиқларнинг қоғозини қоғозга, елимини елимга ажратиб, қутига ташлайди. Оддий сув идиши (бакалашка)ни олайлик. Унда қопқоқ ёнига ёпиштирилган ёрлиқ қоғози бор. Улар ўша идишнинг қоғозини узиб бир жойга, қопқоғини бир жойга ташлайди. Бунга барча оила ўрганган. Ҳар бир кўп қаватли уй тагида элликдан зиёд қутилар туради. Чиқиндилар турларига қараб ўша идишларга ташланади. Ривожланган бошқа давлатларда уч-тўртта, бизда эса ҳозирча иккита қути бор, холос.

Майли, шаҳримизни ободонлаштириш, тоза ва озода тутиш борасида хорижликлардан ибрат олса, улар тажрибасини қўлласа бўлар. Бироқ халқимизнинг ота-боболаримиздан бизга боқий мерос бўлиб қолган удумлари, қадриятларини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Эшик олдини, ҳовли атрофини, кўча-кўйни супуриб-сидириб туриш, тоза тутиш, ариқ ва кўприклар барпо этиш, сувга тупурмаслик, чиқиндиларни дуч келган жойга ташламаслик, теварак-атрофни гулу гулзорга айлантириш каби одатларимиз, ибрат бўларли жиҳатларимиз кўп. Фақат қалб ва виждонимизни уйғотиб бу аъмолларни қатъий бажаришга киришсак нафақат шаҳримиз, қишлоқларимиз ҳам, қалбимиз ҳам обод бўлади. Зеро, озода, покиза жойга фаришталар қўнади.

Адҳам ҲАЙИТОВ,
«Зарафшон» мухбири.

БУ - ФАКТ

2019 йилда жами хизмат турларига нисбатан юқори бўлган аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларда савдо хизматлари ҳажми **927,2 минг сўм**га, транспорт хизматлари **821,9 минг сўм**га ва молиявий хизматлар **409,9 минг сўм**га тўғри келмоқда.

Қишлоқ жойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **4338,7** миллиард сўм ёки умумий кўрсатилган хизматларнинг **35,4** фоизини ташкил қилди.

ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Эъзоз

«Рустам китоб» мавқеига эга олим

Ўзбек ва рус тиллари ҳамда методика йўналишида 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи, ўқувчи болалар учун библиографик ҳамда услубий характерга эга 50 га яқин тўплам, 510 дан ортиқ илмий-услубий ишлар нашр этган, филология фанлари номзоди, доцент Рустам Жўрақулов ўзига берилган бу «унвон»ни бажонидил қабул қилади. Чунки у китоб олами билан ўсиб-улғайди, бугунги кунда ҳам китоб ёзишдан, ўқишдан чарчамайди.

Ургут туманидаги Ғўс қишлоғида темирчи оиласида туғилган Рустам 69-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади. Унинг ота-онаси оддий колхозчи бўлса-да, Рустамнинг олий ўқув юртига кириб, иқтидорини илмга бағишлашига шароит яратиб берди. Натижада у 1978 йилда Самарқанд давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Талабалик давридаёқ илмий тадқиқот ишларини бошлаб таниқли олимлардан фан сирларини ўрганди. Натижада “Ўзбекистон эртаклари” номли икки томлик библиографик кўрсаткични нашрдан чиқарди.

Ўқишни тугатгач, уни институтда ишга олиб қолишди. Рустам фаолиятини рус тили кафедрасида лаборантликдан бошлаб 1983 йилдан 1994 йилгача катта лаборант, ассистент-ўқитувчи лавозимларида ишлади. Бу даврда ўзининг илмга чанқоқ, янгиликка интилувчанлигини намойиш қилиб, институт олимлари орасида ҳурмат қозонди. Институт ёш олимларининг 3 та илмий тўпламига муҳаррирлик қилди ва 1989 йилда ўзи ҳам номзодлик диссертациясини ёқлади.

Рустам Жўрақулов Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги Самарқанд вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўзбек ва жаҳон тиллари бўлими бошлиғи, кафедра катта ўқитувчиси, мактабгача ва бошланғич таълим кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. У кафедра аъзолари ва курс иштирокчиларига керакли услубий қўлланмаларни тайёрлашда амалий ёрдамини аямади, уларга нисбатан талабчан бўлди.

Р.Жўрақулов 2011 йилдан бугунги кунга қадар Самарқанд давлат чет тиллар институтида фаолиятини давом эттириб келмоқда. У “Таълим тизимида мустақил фаолиятни ташкил этишнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот изланишларини олиб бормоқда.

Сермаҳсул олим лотин ёзуви асосидаги янги алифбомизни ўрганишга мўлжалланган “Истиқлол алифбоси” қўлланмасини яратди. Янги алифбода ўқишни ўрганувчилар учун “Қайтар дунё”, “Китобим - офтобим”, “Кам компонентли синфларни ташкил этиш ва ушбу синфларда ўқитиш методикаси”, “Йиллик ўқув режалар ва мажбурий стандарт назорат ишлари” каби юздан ортиқ дарслик ва илмий мақолалар чоп эттирди.

Домла республика тил анжуманининг бошланғич таълим шўъбасида 25 йилдан буён мунтазам маърузалар билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 2000-2011-йилларда “Ким кўп шеър билади?” мавзусида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида давлат таълим стандартларини ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг шеър ёдлаш орқали хотираларини ривожлантиришга йўналтирилган вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Бу эса ёш китобхонларда илмга, китобга ҳавас уйғотди.

Намунали оила бошлиғи, тўрт ўғил, икки қизнинг отаси, 11 нафар неваранинг суюкли бобоси “Рустам китоб” номи билан зиёлилар орасида танилган Рустам Жўрақулов муборак 60 ёшга тўлди. Ҳамкасбимизни қутлуғ ёш билан табриклаб, оилавий хотиржамлик, илмий фаолиятида муваффақият тилаймиз.

Абдурайим ТУРОБОВ,
доцент.

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ОЛДИДАН

Қудрат Суюнов матонати

ОНАИЗОР НОЛАСИ

Бундан анча йиллар олдин Пахтачида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига бағишлаб тадбир ўтказилади. Унда сўзга чечан воизлар минбарга кўтарилиб «Сизлар қалбимиздасиз, ҳамон ёдимиздасиз» қабилида анча-мунча баландпарвоз гаплар айтишади. Шунда ёлғиз фарзанди доғида қоврилиб юрган онаизорга сўз беришади.

- Қани, онахон, сиз нима дейсиз? – дейишади.

Шунда она пастда, таёғига суянган ҳолда қўлини пешонасига қўйиб бор овози билан «Мусурмонқул, қаёқдаса-а-н, болам» дея уввос тортади. Одамлар онанинг жойига ўтиришига ёрдамлашишади. Ўшанда давра, наинки давра, қалблар музлаб қолади. Онаизорнинг бу ҳайқириғи фарзанди – жигарбандларидан бир умрга жудо бўлган, айрилиқ азобида қон қақшаб келаётган минг-минглаб ўзбек аёлларининг ўтли нидоси бўлиб янграйди. Осмону фалакни тутган бу сас ўзбек ўғлони, Пахтачи фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг онаси Шарофат Бўронованинг ҳам юракларни тирновчи ноласи эди.

ТЎРТ ҚАҲРАМОННИНГ ЗЎРИ

Пахтачи туманидан Иккинчи жаҳон урушига 6039 нафар ўғлон сафарбар этилади. Уларнинг 1154 нафари ҳалок бўлган бўлса, 2359 нафари бедарак йўқолади. 2680 киши тирик қайтади. Уларнинг ҳам аксариятини майиб-мажруҳлар ташкил этади.

Қаттол урушга Пахтачи туманида яшаб, ишлаётган турли миллат вакиллари жалб қилинади. Улар орасида Челябинск вилоятида туғилган, Пахтакор (ўша йиллари туман шу ном билан аталган) туман кенгашида ишлаётган Дмитрий Васильев, Украинанинг Хмельницкий вилоятида туғилган, Зиёвуддин қўрғонида яшаб кутубхоначи бўлиб ишлаётган Станислав Костров, Днепропетровскда туғилган ва қурувчи бўлиб ишлаётган Никита Гречихин ҳам бор эди. Буни қарангки, уларнинг ҳар учаласи ҳам жанггоҳларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишади. Қудрат Суюнов эса урушда Матросовча жасорат кўрсатиб шундай унвонга мушарраф бўлган қаҳрамонларнинг тўртинчиси - зўри сифатида номи мангуликка дахлдор бўлди.

ҚИСМАТ

Қудрат Суюнов 1919 йилда Урғич қишлоғида туғилган. Отадан эрта жудо бўлгач етти йиллик мактабни тамомлади-ю оила тебратишда онасига кўмак бериш мақсадида қишлоқда турли юмушларни бажаради: мол боққан, дала-даштда ишлаган. Ҳаёт Қудратни эркаламади. Шу сабабли у эрта улғайди. 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилган Қудрат хизматнинг ярмидан кўпроғи ўтганида уруш бошланиб қолади. Уруш ўз оти билан уруш-да. Сиз уни эмас, аксинча у сизни бошқаради. Бошқача қилиб айтганда қисматингиз унинг қўлида бўлади.

Энди 22 баҳорни қаршилаган, орзу-умидлари ҳали гул очмаган Қудратнинг ҳам қисмати, тақдири шу тарзда ўша урушга боғлиқ бўлади.

ЖАСОРАТ

Урушда Марказий фронт таркибидаги 13-армиянинг 74-ўқчи дивизияси 109-ўқчи полкининг бўлинма командири сержант Қудрат Суюнов икки йил мобайнида кадр аскар сифатида анча-мунча йўлни босиб ўтади. Чекинишлар, аламу, ғалабалар қувончини татиб кўради.

Ҳамюртимиз хизмат қилган полк 1943 йилнинг кузида Берлин томон олға қараб боради. Украинанинг Оболонье туманида Десна дарёсини биринчилар қаторида кечиб ўтади. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги тепаликлар ва жарликлар олдиндан обдан мустаҳкамланган, гитлерчилар ин қуриб олишган, турган-битгани ваҳимаю сир-синоатдан иборат. Бу ерда ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Ўт очиб қўллаб-қувватлаб турган тепалик ва жарликлар йўлни ниҳоятда қийинлаштириб қўйган, олов ва металл тинмай ёғилиб, хужум қилаётган жангчиларга мушкулотлар туғдирарди.

Шунда чап томондан йирик калибрли пулемёт тириллаб қолади. Жангчилар ер бағирлашга мажбур бўладилар. Пулемётнинг овози ўчган дақиқаларда эса жангчилар бор-йўғи бир неча қарич олға сурилган, холос. Чунки қоринда судралишдан ўзга чора бўлмаган. Бош кўтарилган заҳоти душман ўқига учраши тайин бўлган. Ажал балоси бошқалардан кўра, Қ.Суюнов бошлиқ бўлинмага яқин бўлган. Қудрат гранатани қўлига маҳкам қисиб олганича нишон сари, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам душман пулемётининг овозини ўчириш мақсадида дадил олдинга интилади.

Ўшанда Қудрат Суюнов оёғига нимадир қаттиқ тегиб, этигининг кўнжи иссиқ ва тор бўлиб қолганини сезади. Сезадики у яраланган. Ҳали оғриқни сезмасдан жон аччиғида гавдасини кўтаради ва қаршисида ажал уруғини сочаётган душман пулемётни кўради. Бор кучини тўплаб ва қаҳр-ғазабга тўлиб ғоз туради-да, ўқ отилаётган томонга граната улоқтиради ва ўт очиш нуқтасининг олов пуркаган оғзига ўзини ташлаб кўкраги билан тўсади. Пулемёт овози қаҳрамоннинг қони ичра кўмилиб кетади.

Бу мудҳиш воқеа 1943 йилнинг 12 сентябрида содир бўлади. Ўзбек тупроғидан етишиб чиққан паҳлавон жанговар дўстлари тирик қолиши ва ёв устидан ғалаба қозонишлари учун кўксини душман пулемёти оғзига тутган эди.

Плацдармни кенгайтириш учун бўлган шиддатли жангда муваффақ ўлимни бўйнига олган жангчини полкдошлари иззат-икром билан биродарлик қабрига дафн этадилар. Собиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 октябрдаги фармонига асосан Қудрат Суюновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади.

СУЮНОВМИ «КУЮМОВ?»

Мазкур фармон 1943 йилнинг 17 октябрида «Красная звезда» («Қизил юлдуз») газетасининг 246-сонида эълон қилинади. Буни қарангки фармонда ҳамюртимизнинг фамилиясида хатоликка йўл қўйилган бўлади. Яъни фамилиядаги «с» ўрнига «к», «н» ўрнига «м» тушиб Суюнов «Куюмов» бўлиб қолади. Шубҳасиз бу хатони тўғрилаш учун кўпгина қийинчиликларга дуч келинади. Жумладан, Қудрат Суюновнинг онаси Шарофат Бўронова номига 1946 йилнинг 27 июнида СССР Олий Совети Президиуми ҳузуридаги мукофотланганларнинг рўйхатини ва ҳисобини олиш бўлимидан келган хатда «Ўғлингиз Қудрат Суюновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган солдат ва офицерлар рўйхатида йўқ» деган жавоб мактуби келади. Бу хатоликни тўғрилаш зарур эди. Уруш йилларида 1-Украина фронтининг «Ватан шарафи учун» газетасида фаолият кўрсатган, Қудрат Суюнов ҳақида «Сўнмас ҳаёт» қиссасини ёзган таниқли адиб Зиннат Фатхуллин хатоликни тўғрилаш учун енг шимариб ишга киришади. Чунки онаизор юқорига хат ёзиб мурожаат қилишдан чарчаган эди. Адиб қаҳрамон хизмат қилган бўлинма жангчилари, Қ.Суюнов яшаган қишлоқ аҳли билан суҳбатлашиб унвоннинг ҳақиқий эгаси Қудрат Суюнов эканлигини исботлайди. Ахир Пахтакор туманидаги Куюмов фамилияли киши фронтга сафарбар этилмаган, бўлинмада Қ.Суюновдан бошқа Куюмов фамилияли жангчи хизмат қилмаган бўлса қаҳрамон Қудрат Суюнов бўлмай яна ким бўлиши мумкин эди?

«ОЙ БОРИБ ОМОН ҚАЙТ»

- Халқимизда ўлмас сиймо, деган яхши бир нақл бор, - дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Муаффар Самандаров. – Халқ ўзининг ардоқли кишиларини ана шундай атайди. Бу билан улар ўзларининг чексиз меҳрини, ҳурмати ва буюк ифтихорини изҳор этади. Пахтачи фарзанди Қудрат Суюновнинг мардлиги ва жасорати асло унутилмайди. Унинг ҳоки ўзга юртларда қолиб кетган бўлса-да, Қ.Суюнов ўз юртида Ўзбекистон халқ рассоми Аҳмаджон Шоймардонов томонидан бронзадан ишланган ҳайкалда яшаб келмоқда. Ҳайкал ўрнатилган майдон яқинида жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейи бор. Унда ўзбекистонлик матросовчи Қудрат Суюнов ҳаёти ва жасоратига бағишланган бўлим фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбекфильм» томонидан 1969 йилда қаҳрамон жасоратига бағишланган «Ой бориб омон қайт» номли бадиий фильм яратилган.

Туманимиздаги у ўқиган 37-мактабда, Украинанинг Оболонье қишлоғидаги мактаблардан бирида қаҳрамон бюсти ўрнатилган. Украинадаги Иккинчи жаҳон уруши тарихи давлат музейида мўъжаз ва камтарано бир экспонат – уруш Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг сурати сақланмоқда, деб эшитганмиз. Бу суратни қаҳрамон номи билан аталадиган 32-мактаб ўқувчиси Сажаев қаламда чизган экан. Ҳозир у борми-йўқми билмадик.

Қандай бўлишидан қатъи назар ҳамюртимиз кўрсатган мардлик ва жасорат барчамизда, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, мардлик туйғуларини уйғотиши турган гап.

Адҳам ИСКАНДАРОВ,
Иззатилла НОРҚУВВАТОВ.

Биласизми?

«Шариф» сўзи қўшиб айтиладиган муқаддас шаҳарлар

Ёшлигимдан диний китобларни мутолаа қиламан. Бухорои шариф, Маккаи шариф, Мозори шариф сўзларини кўп учратардим, аммо маъносини тушунмасдим.

"Дунё бўйлаб" телеканалида исломшунос олим Убайдулла Уватов мен излаган саволга жавоб берди. У киши дунёда еттита шариф сўзи қўшиб айтиладиган шаҳарларни айтди. Булар: Маккаи шариф, Мадинаи шариф, Боғдоди шариф, Дамашқи шариф, Қуддуси шариф, Мозори шариф ва Бухорои шарифдир.

Ислом дини пайдо бўлгандан бошлаб бу шаҳарларда дин тарғиботи кучли бўлган. Ушбу шаҳарларда мадрасалар кўп қурилган. Биргина Бухоро шаҳрида XIII аср охиригача 200 дан ортиқ мадраса фаолият юритган. Дин тарғиботи кучли бўлган замонда ислом дини ўчоқлари бўлган муқаддас шаҳарлар ўрганиб чиқилган. Албатта, бундай шарафли ишларга диний олимлар ёндашган ва дунёда еттита шаҳарга шариф сўзи қўшиб айтиш мақоми берилган. Шариф сўзининг ўзбекча маъноси шарофатли демакдир.

Файзулла ИСМОИЛОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп /

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида марҳум Курбанов Бахрига (2018 йил 1 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида марҳум Шакирова Мохирага (2007 йил 15 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Батиров Асомиддин Мамалатиповичга (2019 йил 3 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Шодиев Абдухайир Тугановичга (2019 йил 20 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Булунғур туман давлат нотариал идорасида марҳум Джумакулов Тилов Жабборовичга (2017 йил 16 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Булунғур туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «SAMARKAND SWEET MILK» оилавий корхонаси (СТИР: 305846114) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини ҳамда номини «AZIMJON ANSORJON SERVIS PLYUS» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «AZIMJON ANSORJON SERVIS PLYUS» масъулияти чекланган жамияти «SAMARKAND SWEET MILK» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Оби Раҳмат кўчаси, 7-уй.

* * *

Тойлоқ туманидаги «JAPAN TRADING GROUP CO" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (СТИР: 305691063) ўз устав фондини 508 853 250 (беш юз саккиз миллион саккиз юз эллик уч минг икки юз эллик) сўмдан 409 853 250 (тўрт юз тўққиз миллион саккиз юз эллик уч минг икки юз эллик) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани, Бирлик маҳалласи.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Амирханов Султан Шухратхонович номига берилган O'R-SH № 0347101 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Мусинова (ҳозирда Махмудова) Раъно Асламовна номига берилган U № 1083389 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Элмуродова Нуршода Отабек қизи номига берилган UM № 0140876 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Холмирзаева (ҳозирда Эргашева) Гулнора Рўзибаевна номига берилган O'R-SH № 0371741 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд Темурбеклар мактаби ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицейдан 2019 йилда Муртозаев Абдумажид Воҳид ўғли номига берилган рўйхат рақами 14, L №366379 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицейдан 2017 йилда Суюнбоев Ғолибжон Ғанишер ўғли номига берилган рўйхат рақами 50, L №305072 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги "BULUNG`UR FAYZ-SIFAT SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303257057) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги "DILSHOD WIN DOORS" хусусий корхонасининг (СТИР 306634733) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасидан Камаров Туксанга қарашли Самарқанд шаҳри Бибихоним кўчаси 1-берк кўча, 10-уй-жой учун берилган 13/2959 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами ва Самарқанд шаҳар ҳокимининг ушбу уй учун 2019 йил 20 июндаги 1617–К ва 30 декабрдаги 2644-К рақамли қароридан кўчирмалар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туман "ягона дарча" марказидан 2017 йил 16 июнда «MUBORIS STROY INVEST» оилавий корхонасига (СТИР 304950255) берилган реестр рақами 518870 бўлган гувоҳноманинг асл нусхаси, шу корхонанинг низоми ва таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги «SAMSOGDAFARM» хусусий корхонасига (СТИР: 204889665) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясида 2018 йил 12 апрелда 1801105146 реестр рақами билан рўйхатга олинган, завод рақами 1461032 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат-касса машинасини рўйхатдан ўтказиш карточкаси ва паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд банк коллежидан 2016 йилда Хомидов Худойберди Воҳид ўғли номига берилган рўйхат рақами 924, К № 4274849 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Фарҳод Назаровга опаси

Нигора НАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари, Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири Нигора Саъдиновага онаси

Додар аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Салима АБДУРАҲМОНОВА

Ҳаёт йўли ҳар бир аёл учун ибрат бўлишга арзигулик Салима ая Абдураҳмонова 8 февраль куни 90 ёшида оламдан ўтди.

Салима ая Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топди. Каттақўрғон адабий муҳити ҳавосидан баҳраманд бўлиб улғайди.Мактабни тамомлагач, ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. Бир муддат Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида, 1962 йилдан бошлаб Каттақўрғондаги 2-мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берди.

С.Абдураҳмонова каттақўрғонликлар орасида юксак эҳтиромга сазовор бўлиш бахтига осонликча эришгани йўқ эди...

Болалиги бешафқат уруш йилларига тўғри келган, жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Уруш туфайли отасидан эрта ажралган бўлса, турмуш ўртоғи Низомиддин Зокировни бевақт ажал ҳаётининг энди гуллаб-яшнаган чоғида тортиб олди. Олти нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишга, уларни илмли қилишга, эл корига ярайдиган инсонлар этиб ўстиришга ёлғиз ўзи масъул бўлиб қолди ва бунга ўзида куч, ирода топа олди. Қолаверса, мактабда дарс бериб, каттақўрғонлик ёшларнинг она тили ва адабиётимизга меҳрини уйғотишдек шарафли вазифани ҳам уддалади. Бугун у кишидан таҳсил олган юзлаб шогирдлари, фарзандлари нуфузли муассаса ва ташкилотларда фаолият олиб бормоқда. Буларнинг барига Салима аянинг ҳалол меҳнати, тўғри тарбияси сабаб бўлган, десак янглишмаймиз.

Салима Абдураҳмонова тимсолида умрини фарзандлари бахти, саодати, келажаги учун фидо қилган жасоратли аёлни кўриш мумкин.

Салима аянинг вафоти муносабати билан марҳума онамизнинг оила аъзоларига, барча яқинларига чуқур таъзия билдирамиз.

"ЭРУДИТ" ижодий маркази жамоаси.

Самарқанд давлат университетида буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Алишер Навоий шеъриятининг ўз давридаги шарқона эътирофи" деб номланган анжуманда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилаётган "Оққўюнли мухлислар девони" китоби ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

"Оққўюнли мухлислар девони" – Навоийнинг янги девоними?

– 2012 йилда филология фанлари доктори, профессор Афтондил Эркинов хорижда Навоийнинг янги девонини топди, – дейди Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси Рустам Жабборов. – Мазкур девоннинг қўлёзма нусхаси 1471 йилда Оққўюнлилар салтанатида (1378–1502) кўчирилган бўлиб, ҳозирда Мисрдаги Қоҳира миллий кутубхонасида сақланади. Оққўюнлилар сулоласи Туркиянинг шарқий қисми, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудларида ҳукмронлик қилган ва темурийлар билан яқин муносабатда бўлган. Бу девон оққўюнлилар салтанати ҳудудидаги Навоий шеърияти мухлислари томонидан тартиб берилгани ва кўчирилганлиги сабабли шартли равишда "Оққўюнли мухлислар девони" деб аталди.

Ушбу девон Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан 1465-1466 йилларда тузилган "Илк девон"дан кейинги мухлислар девони сифатида навоийшунослик учун аҳамиятли бўлиб, Оққўюнлилар салтанати марказий шаҳарларидан бўлган Шерозда кўчирилган, деб тахмин қилинади.

"Оққўюнли мухлислар девони"га Навоийнинг 30 ёшгача ёзган шеърлари киритилган ва улар тили оққўюнлилар салтанатида ёйилган ўғуз туркчасига бироз мослаштирилган. Қўлёзмани оққўюнлилар саройи машҳур хаттоти, Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган Абдураҳим Хоразмий кўчирган.

Тадбирда китобни нашрга тайёрлаган филология фанлари доктори Афтондил Эркинов ҳамда тадқиқотчи Рустам Жабборов, масъул муҳаррир бўлган филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов девоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берди.

Эътиборли жиҳати, мазкур тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди ва унда навоийшунос олимлар, университет ўқитувчи ва талабалари билан бирга Миллий гвардия хизматчилари ҳам иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

"Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут"

Самарқанд шаҳридаги концерт залида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди.

Вилоят маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари ҳамда шеърият ва мумтоз санъат ихлосмандлари таклиф этилди.

Ижодий кечада Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Т.Тугалов ва бошқалар миллий адабиётимиз, она тилимизнинг жаҳонга танилишида Навоий ва Бобур ижодининг ҳиссаси беқиёслиги, уларнинг асарлари ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этишини таъкидлади.

– Навоийни ҳар куни ўқиш, ўқиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, – дейди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Хўжақул Муҳаммадиев. – Инсониятни огоҳлик, ҳамжиҳатлик, комиллик, аҳиллик ва дўстлик сари ундаган даҳо шоиримизнинг ижоди барча санъаткорлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи саналади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса шоҳ ва шоир сифатида барчага ибратдир.

Назм ва наво кечасида Навоий ва Бобур ғазаллари билан куйланувчи ашулалар, ғазаллар, байтлар янгради.

Таклифа ҚЎЛДОШЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Самарқанд академик лицейида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги ҳамда буюк саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 537 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Нуриддин РАЖАБОВ.

Малака оширган ўқитувчи

иккинчи марта ҳам сертификат ололмаса, ишдан кетади

УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТИЗИМ МУКАММАЛ ЭМАС

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази янгича тизимга ўтишни режалаштиряпти. Сабаби, ўқитувчи 5 йилда бир марта (бир ой) малака ошириш учун келади. Шу билан унинг малакасини ошириш деярли тўхтаб қоляпти. Умуман, тўхтаб қоляпти, десак хато бўлади. Ўз устида ишлайдиган ўқитувчилар жуда кўп. Асосий малака ошириш - ўқитувчи ўз устида мустақил ишлаши. Ўқитувчиларни таълимдаги янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида жойларда турли тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказяпмиз. Лекин барибир малака ошириш узлуксизлигини таъминловчи тизимимиз мукаммал эмас. Ҳамма ўқитувчини биратўла қамраб ололганимиз йўқ.

> Марказда 2019 йилда **9501** нафар тингловчи курсларга қабул қилиниб, **9122** нафари курсни тамомлаган бўлса, **379** нафари турли сабабларга кўра тингловчилар сафидан чиқарилди. Курсни тамомлаган тингловчиларнинг **7892** нафарига, яъни **86,5** фоизига сертификат берилди.

МАКТАБЛАР МИЛЛИЙ РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Таълим сифатини баҳолаш учун алоҳида ташкилот Таълим сифатини оширишни назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Агар бу ташкилот ички тузилмамизда турса, сифатли баҳолашнинг объективлиги пасаярди. Мана фараз қилинг, Таълим сифатини оширишни назорат қилиш давлат инспекцияси халқ таълими бошқармасига ва вазирлигига бўйсунадиган бўлса, ўз-ўзидан унинг айтганини қилишга мажбур бўлади.

Инспекция Вазирлар Маҳкамаси қошида алоҳида ташкил этилгани яхши самара берди. Бу ҳақиқий маънода ташқи назорат бўляпти. Улар Халқ таълими вазирлигига бўйсунувчи ташкилот эмас, ўзи алоҳида, мустақил ишлайди. Ўзларининг баҳолаш механизмлари бор. Шу асосда мактаблар ўртасида биринчи марта миллий рейтинг тузилди. Агар ушбу ташкилот Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилганида, республика миқёсида мактабларнинг миллий рейтинг кўрсаткичи паст бўлмасди, аксинча юқори бўларди.

ЯПОНИЯДА ЎҚИТУВЧИГА ЯҚИН ЮРИШ МУМКИН ЭМАС

Мен бир нарсага хурсандман. Бугун ижтимоий тармоқларда ўқитувчига камроқ тош отиляпти. Шу пайтгача ҳамма нарсага ўқитувчини айбдор деб билардик. Менимча, бу нотўғри ёндашув. Масалан, тарбияда шундай усул бор: болага ҳар куни "Сен ёмонсан", деб айтаверсак, ундан яхши бола чиқиш эҳтимоли ниҳоятда пасайиб кетади. Ўқитувчига ҳам сен ёмон ишлаяпсан, давлатдан пул олаяпсан, аммо боламни ўқитмаяпсан, деб ерга ураверсак, ўқитувчининг обрўсини йўқотамиз. Ўзи шундоқ ҳам жамиятда ўқитувчилар мавқеи баланд эмас. Бу таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун биз ўқитувчини улуғлашимиз, ўзига бўлган ишончни оширишимиз лозим.

Ўқитувчини улуғлашни японлардан ўрганишимиз керак. Японияда ўқувчи ўқитувчига яқин юриши мумкин эмас. Сабаби, у муаллимнинг соясини босиб олиши мумкин.

Биз ҳам ўқитувчини ҳурмат қилсак, у янада яхшироқ дарс беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчига яхши муносабатда бўлиш, унинг мавқеини оширишга, жамият ривожига хизмат қилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ РАҲБАР ЎЗИДАН БОШЛАШИ КЕРАК

Агар бошлиқнинг ўзи коррупция билан шуғулланса, у ходимларини бу иллатдан қутқара олмайди. Бугун марказимизда ўқитувчилар аввалгидек "гаплашиб" кетолмайди. Ўқитувчи бир ойлик малака ошириш дарсларига тўлиқ қатнашади. Якуний аттестация синовларидан ўтолмаганларга сертификат берилмайди, фақат курсни тинглагани ҳақида маълумотнома олади. Биринчи марта ўқитувчининг иш ҳақи мактабда сақланиб қолади. Агар у сертификат ололмаса, бир йил давомида иккинчи марта ўз ҳисобидан келиб, малака оширади. Унга давлат пул тўламайди. Иккинчи марта ҳам сертификат ололмаса, мактаб ўқитувчи билан тузган меҳнат шартномасини бекор қилади. Шундан сўнг у марказда учинчи марта шартнома асосида пул тўлаб ўқийди. Бу сафар сертификат олса, мактаб ўқитувчини яна ишга қабул қилади.

ВИЛОЯТДА 26 НАФАР ЎҚИТУВЧИ УЧИНЧИ МАРТА ЎЗ ҲИСОБИДАН МАЛАКА ОШИРДИ

Марказда 2019 йилда 9501 нафар тингловчи курсларга қабул қилиниб, 9122 нафари курсни тамомлаган бўлса, 379 нафари турли сабабларга кўра тингловчилар сафидан чиқарилди. Курсни тамомлаган тингловчиларнинг 7892 нафарига, яъни 86,5 фоизига сертификат берилди. 1230 нафар ўқитувчи якуний аттестация синовларида етарли балл тўплай олмагани сабабли курсни тинглаганлиги тўғрисида маълумотнома олиш билан кифояланди. Курсни муваффақиятсиз тамомлаган тингловчиларнинг 490 нафари иккинчи марта, 26 нафари эса шартнома асосида ўз ҳисобидан учинчи марта малака оширди.

МАКТАБ ДАРСЛИГИ ЎҚИТУВЧИ УЧУН ЭМАС

Малака оширишга келган ўқитувчилардан қайси китоблардан дарс берасизлар, деб сўрайман. Улар дарсликдан, деб жавоб беради. Мактаб дарслиги ўқувчининг физиологик, анотомик, психологик хусусиятларига мослаб ўқувчи учун чиқарилган. Дарслик бола ёшига мос тарзда ишланган. Агар ўқитувчи дарсликни ўқиб, болага дарс бераётган бўлса, худди ўқувчи ўқувчига дарс бераётгандек бўлиб қолади. Ўқитувчи дарсни турли адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўтиши керак. Мактаб дарслиги ўқувчи учун чиқарилган, ўқитувчи учун эмас. Афсуски, буни ҳамма ўқитувчи билмайди. Билгани ҳам бошқа адабиётларни ўқишга ҳафсала қилмайди. Энг катта муаммомиз – ўқитувчи ўз устида мустақил ишламаётганлиги.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЎРТАСИДА РАҚОБАТ ПАЙДО БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ, АММО...

Бугун ўқитувчиларга кенг имкониятлар эшиги очилган. Масалан, ўқувчиси халқаро ёки республика фан олимпиадасидан ўрин олса, ўқитувчига ҳам мукофот пули берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваригача бир марталик пул мукофотлари берилади. Масалан, 1-ўрин учун ўқувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 500, ўқитувчисига 450 баравари, 2-ўрин учун ўқувчига 300, ўқитувчисига 250 баравари, 3-ўрин учун ўқувчига 200, ўқитувчисига 150 баравари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Шунингдек, ўқувчи республика миқёсидаги фан олимпиадасида 1-ўринни қўлга киритса, ўқитувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида мукофот пули берилади. 2-3-ўринни қўлга киритган ўқувчиларнинг ўқитувчилари ҳам белгиланган тартибда бир марталик мукофот пули билан тақдирланади. Бундай имкониятларни ҳали ўқитувчиларимиз ҳис қилгани йўқ. Агар уларга берилаётган имкониятларни тўла ҳис этганида, ҳозир ўқитувчилар ўртасида рақобат пайдо бўлиши керак эди. Бундан ташқари, халқаро ва республика миқёсида фан олимпиадасида ғолиб бўлган ўқувчи ўқийдиган мактаб директорига ҳам устама пули берилади.

Бугун ўқитувчининг дунёқарашини ўзгартиришимиз керак. Бунинг учун малака оширишнинг узлуксизлигини таъминлаш ва унинг янги шаклларини татбиқ қилиш режалаштириляпти. Биз аввалги қотиб қолган қолипдан чиқиб, янгича ишлаш механизмини жорий этишни мақсад қилганмиз.

Аъламжон ИБРАГИМОВ, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори.

Эфроим Гурман:

Илмга ташналик ўзбек халқининг қонига сингиб кетган

Самарқанд давлат университетида 2019 йилнинг 16-17 октябрь кунлари "Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал омиллар (Food security: National and global challaneges)" мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Унда АҚШ, Италия, Россия, Болгария, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа чет давлатларнинг нуфузли олимлари қатори АҚШнинг "VetVittlesLLC" компанияси бошқаруви раиси, профессор Эфроим Гурман иштирок этиб, аҳоли соғлиғини сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда носоғлом овқатланиш муаммолари хусусида ўз илмий қарашлари билан ўртоқлашганди.

Яқинда АҚШнинг www.hvy.com сайти шарҳловчиси Меган Михан Эфроим Гурман билан Ўзбекистонга, шу жумладан, Самарқандга сафари ва бундан кейин халқаро ҳамкорлик қилишни давом эттириш режалари ҳақида суҳбатлашди:

- Мен Ўзбекистонга, Самарқандга боришни режалаштирганимда асосий мунозарали мавзулар – озиқ-овқат етишмовчилиги, очарчилик ва шунга ўхшаш масалалар бўлишини кутган эдим, - дейди профессор Эфроим Гурман. - Америкалик бўлганим учун менинг асосий ташвишим ҳам бироз бошқачароқ эди. Яъни, семизлик, ривожланган мамлакатларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар. Улар мени нотўғри тушунишади, деб қўрққандим. Лекин нутқим яхши қабул қилинди. Ғоямга, ушбу йўналишдаги тадқиқотларимга бўлган қизиқиш, сафаримдан олдин бўлганидан-да кўпроқ куч ва ғайрат бахш этди. Конференцияда юқори малакали олимлар томонидан билдирилган ижобий фикрлар ушбу мавзу бўйича монография устида иш бошлашимга туртки берди.

ЎЗБЕКИСТОН АМЕРИКАЛИКЛАР УЧУН ХАВФСИЗ ҲУДУД. НЕГА?

- Биринчи навбатда, бизнес ва илмдан ташқари, ушбу мамлакатнинг чет элликлар учун очиқлиги мени ҳайратга солди. Ўзбекистон - мусулмон давлат. У ерда ислом цивилизациясининг дастлабки босқичлари билан боғлиқ кўплаб диққатга сазовор жойлар мавжуд. Шунингдек, масжидлар билан биргаликда черков ва синагогани кўриш мумкин. У ердаги одамлар жуда меҳмондўст.

Биз мусулмон давлатлари замонавий технологиялар, илм-фан ва тадбиркорлик соҳасида ортда қолган, деб ўйлашга одатланиб қолганмиз. Аммо бу ерда одамларнинг ўқиш, ўрганиш ва янгиликларни кашф этишга тайёрлик ҳолати ўзбек халқининг қонига сингиб кетганлигини ҳис этдим.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЗИҚУВЧАН, САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ИЗЛОВЧИ ЁШЛАР КЎП

- Ўзбекистон – ёшлар мамлакати, ҳар ерда ёшлар ва ўсмирларни кўрасиз. Уларнинг кўпчилиги маълумот олишни хоҳлашади. Аҳолисининг аксарияти ёшлардан иборат бўлган мамлакатда таълим муаммоси бирламчи масала бўлади. Ёшлар инглиз тилида гаплаша олади, ҳар қандай университет ёки коллежда абитуриентлар ўртасида кучли соғлом рақобат мавжуд. Конференция ташкилотчиси – Самарқанд давлат университети бу борада катта қадамларни ташламоқда. Биринчидан, бу университет дунёнинг энг қадимги университетларидан бири. У шаҳар марказида, чиройли хиёбонда жойлашган. Университет раҳбари, профессор Р.Холмуродов университетни ривожлантиришда кўплаб ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори. Ҳозирда биология факультети, умуман, университет билан доимий алоқадамиз. Таълим ва фан соҳасидаги давлат дастурларида келгуси бир неча йил ичида СамДУ ушбу соҳаларда етакчи мавқега эга бўлиши кўзда тутилган.

Худоёр КЕЛДИЁРОВ тайёрлади.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 352 нусхада чоп этилди. Буюртма 103

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Т.СИДДИҚОВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотуда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009